

## 87-боб. Ходим гуноҳ қилса



11:01 / 22.05.2020 2519

Осим ибн Лақийт ибн Собира отасидан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. Чўпон қўрага янги туғилган қўзичоқни киритди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чўпонга:

«Юзта қўйимиз бор, уларнинг кўпайишини истамаймиз. Чўпон янги туғилган қўзичоқни олиб келса, ўрнига бир қўй сўямиз деган фикрда бўлмагин», дедилар.

У зотнинг шу гаплари ичида:

«Ўз аёлингни чўрингни урганингдек урмагин, истиншоқ қилсанг, муболаға билан қилгин, рўзадор бўлсанг, бундан мустасно», деганлари бор эди».

*Шарҳ:* Бу ерда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўйларини боқиб юрган чўпон бир қўйнинг янги туғилган боласини олиб келган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чўпонга: «Қўйимиз кўп, ортиқчасини сўйиб тураверамиз, деб ўйламагин, фақат янги бир қўй туғилганда, унинг ўрнига боридан бирини сўямиз», деган маънодаги гапни одоб билан, гўзал тарзда айтдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна бу гапга «Аёлингни урма, рўзадор бўлмасанг, истиншоқни, яъни бурунга сув тортиб чайишни мукамал қилгин», деб бошқа насиҳатларни ҳам қўшиб қўйганлар. Яъни фурсатдан фойдаланиб, чўпонга қўл остидагиларга қандай муомала қилиш бобида одоб берганлар.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Оила иқтисодини тадбир билан тартибга солиш кераклиги. Қўйим бор, деб сўявермасдан, саноғини тўғрилаб, туғилганларини ҳисобга олиб туриб, керагини сўйиш лозимлиги.
2. Қулай фурсатдан фойдаланиб, ишчи-хизматчиларга одоб ҳақида кўрсатмалар бериб туриш кераклиги.
3. Эр ўз аёлини уриши яхши эмаслиги.
4. Рўзадорликдан бошқа вақтда бурунга сув олганда яхшилаб сув етказиш кераклиги.

**«Одоблар хазинаси» китобидан**